Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 17 апрель, чоршанба • № 30 (10.805) • Эркин нархда сотилади



## ПРЕЗИДЕНТНИНГ АНЪАНАВИЙ УЧРАШУВИ

*Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 12 апрель куни хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари раҳбарлари, чет эл ҳамда республикамиз журналистлари билан навбатдаги анъанавий учрашувини ўтказди.*

Президент Ислом Каримов 1996 йилнинг дастлабки ойларида мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида рўй берган янгиликлар, Марказий Осиё минтақаси ва МДҲ ҳудудида содир бўлган айрим муҳим воқеалар хусусида батафсил сўзлади ҳамда ўз муносабатини билдирди. Ўзбекистон ўзи танлаган истиқлол йўлидан оғишмай, дадил бораверишини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда Ўзбекистон дунё мамлакатлари билан ўзаро тенглик ва манфаатдорликка асосланган ҳамкорликни бундан кейин ҳам ривожлантириб бораверишини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари учрашув иштирокчиларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев, Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

**СУРАТДА: учрашув пайти.**

**Р. Нуриддинов тасвирга олган. (ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИ ЎЗ ЙЎЛИДАН ҚАЙТМАЙДИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам дипломатия миссияларининг бошлиқлари,

Халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари,

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари,

Хонимлар ва жаноблар!

Сизлар билан яна учрашиб турганимдан, сизлар бундай мунтазам учрашувлар анъанасини қўллаб-қувватлаётганингиздан хурсандман.

Сизлар Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсатини диққат билан кузатиб турибсиз, демак, ҳукумат мажлисларидаги, ваколатли органлар депутатлари ҳузуридаги сўнгги нутқларимдан хабардорсиз.

Анъанага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқаларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши хусусида фикрларимни баён қилишга ижозат бергайсиз.

Шу йилнинг бошланишида, январь ойида Россия Президенти **Б. Ельцин** билан учрашувимизда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги шериклик муносабатлари муҳокама қилинди.

Шу йилнинг февралида ташқи ишлар вазири **Е. Примаков** расмий ташриф билан Тошкентда бўлди. Икки томонлама муносабатларга доир муҳим масалалар, Марказий Осиё минтақасида барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Февраль ойида мамлакатимизнинг катта делегацияси Давосда ҳар йили ўтадиган жаҳон иқтисодий анжуманида тўртинчи марта иштирок этди. Унда иштирок этиш анжуман аҳлини Ўзбекистон ва унинг салоҳияти билан таништиришда, хориждан сармояларни жалб этишда катта аҳамиятга эга. Давосдаги бу галги учрашувда ҳам шундай бўлди.

Швейцарияда давлат ва ҳукумат бошлиқлари, халқаро молия ташкилотларининг, йирик банклар ва компанияларнинг раҳбарлари билан бир неча бор учрашдик.

Давосда Европа Ҳамжамияти комиссиясининг комиссари **Ханс Ван Ден Брук** билан қилган суҳбатимиз яқинда Ўзбекистон диёрида давом этди. Европа Иттифоқининг Европа Ҳамжамияти комиссиясининг ташқи сиёсий алоқалари билан шуғулланувчи раҳбарларидан бирининг ташрифини мен Европа Иттифоқи Ўзбекистондаги сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганининг, ўзаро муносабатларимизни мустаҳкамлашга тайёрлигининг далили деб биламан.

**Февраль ойида Европа Иттифоқи кенгаши ташқи ишлар вазирлари даражасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузиш юзасидан Ўзбекистон билан музокара бошлашга қарор қилди. Музокаранинг биринчи босқичи март ойида Брюсселда муваффақиятли ўтди. Апрелнинг охиригача битим матни тасдиқланади ва шу ярим йилликда имзоланади деб, умид қиламиз.**

Бу ҳужжат ҳамкорликнинг бутунлай янги босқичини бошлаб беради, Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ҳамда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этади.

**Бу битим Ўзбекистоннинг халқаро савдо ташкилотига қўшилиш учун тайёргарлигини тезлаштиради, фақат иқтисодий, илмий-техника, маданий алоқалар учунгина кенг имкониятлар яратибгина қолмай, Европа Иттифоқи билан мунтазам сиёсий мулоқот учун ташкилий замин яратади, деб умид қиламиз.**

Европа мамлакатлари билан ҳамкорлик икки томонлама асосда ҳам ривожланмоқда.

Ташқи ишлар ва Ҳамдўстлик ишлари вазири **М. Рифкинд**нинг ташрифи чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётгани таъкидланди.

Франция Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг бош котиби **Б. Дюфурк** билан суҳбат савдо-иқтисодий, маданий соҳаларда бўлгани каби, сиёсий соҳаларда ҳам, мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришдан манфаатдор эканлигини кўрсатди.

Осиё мамлакатлари билан ҳам алоқаларимиз кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда.

**Ўзбекистон-Япония муносабатлари** юксалиб бормоқда. Бу ҳамкорлик ижтимоий соҳа, Ўзбекистон иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларига Япониянинг катта сармоялар киритиши билангина чекланиб қолмайди.

Сўнгги вақтда Япония минтақамизнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда — хавфсиз ва барқарор тинчликка эришишда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларида ўзининг манфаатдорлик билан фаол иштирок этишини кўрсатди.

**Март ойининг охирида Ўзбекистон Республикаси делегацияси Вьетнамга расмий ташриф буюрди.** Биз бу мамлакат раҳбарияти билан маҳаллий ва халқаро муаммоларни, сармоялардан тортиб туризмгача бўлган турли соҳаларда ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилдик.

Ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий негизини таъминлайдиган бир қанча муҳим ҳужжатларни имзоладик.

Сайёрамизнинг турли томонларида Ўзбекистоннинг ишончли ва манфаатдор шериклари мавжудлиги мени қувонтиради. Уларнинг доираси мунтазам кенгайиб бормоқда. Бугун эса яна бир мамлакат — Бангладеш Тошкентда элчихона очиш истагини билдирганини сизларга айтиш менга мамнуният бағишлайди.

Хонимлар ва жаноблар,

**Америка Қўшма Штатлари билан икки томонлама муносабатларимиз давлатлараро алоқаларнинг энг муҳим йўналишларида изчиллик билан ва мунтазам ривожланиб бормоқда.**

МДҲ мамлакатларида АҚШ сиёсатининг бош мувофиқлаштирувчиси **Ж. Коллинз** иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган сўнгги Ўзбекистон-Америка сиёсий маслаҳатлашувларида 1996 йил аввало минтақа хавфсизлиги соҳасида икки томонлама муносабатларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиши лозимлиги таъкидланди.

Америка томони АҚШ Ўзбекистонга нисбатан ўз сиёсатини **«хавфсизлиги таъминланган мустақил Ўзбекистон»**ни барпо этишни қўллаб-қувватлайдиган тарзда қуришини баён қилди.

Бугун НАТО каби ўзига хос ташкилотда ҳам мамлакатимиз билан АҚШ ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисида гапириш мумкин. Биз «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштирок этишни ўз мустақиллигимиз ва истиқлолимизни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан баҳолаймиз.

АҚШнинг НАТОдаги доимий вакили **Р. Хантер**нинг мамлакатимизга яқинда қилган ташрифи жаҳон ва минтақа хавфсизлиги муаммолари бўйича фикрларимиз ўхшашлигини яна бир бор намойиш қилди. Ўзбекистоннинг салоҳиятини минтақадаги барқарорлаштирувчи омил деб ҳисоблаётган АҚШнинг нуқтаи назарига биз тўла қўшиламиз.

Йилнинг бошида қўшни мамлакатлар билан дипломатик мулоқотларимиз янада фаоллашди.

**Февраль-март ойларида Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлари Тошкентга ташриф буюрди.**

Бу ташрифлар чоғида икки томонлама ҳамкорлик масалаларидан ташқари, Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятни бартараф этиш билан боғлиқ равишда минтақа хавфсизлиги масалаларини муҳокама қилишга катта эътибор берилди.

Жаҳон ҳамжамияти Афғон можаросини бартараф этиш юзасидан фаолроқ чоралар кўриш зарурлигини тобора кўпроқ англаб етаётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Бундай чоралар кўриш тўғрисида мен БМТ Бош Ассамблеясининг 48-, 50-сессияларида гапирган эдим. **Европа парламентининг шу йил 18 январдаги резолюцияси ва Европа Иттифоқининг 14 мартдаги баёноти можаро зонасига қурол-яроғ етказиб беришни тақиқлаш ғоясини қўллаб-қувватлайди.**

Яқинда Афғонистон теварагидаги вазият Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кўриб чиқилди. Бу ҳол жафокаш Афғонистон диёрида хунрезлик тўхтатилишига, можарони тинч йўл билан бартараф этиш жараёни ҳақиқатда бошланишига умид бахш этади.

Мен бир неча бор таъкидлаганимдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Ислом конференцияси ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар иштирок этмаса, мулоқот йўли билан можароларни тўхтатишнинг синовдан ўтган механизмларидан фойдаланилмаса, ўзаро мақбул қарорлар, ўзаро ён босишлар ва оқилона муросаю мадора йўллари изланмаса, бу жараён бошланмайди.

Ишончим комилки, бу масалалар Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ташаббуси билан 23 апрелда Тошкентда бошланадиган **«Марказий Осиё: Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида кенг қамровли хавфсизлик ва минтақа талаблари»** симпозиумининг кун тартибида акс этади.

Хонимлар ва жаноблар,

ҳозирги дунёда хавфсизлик ва барқарорлик фақат ҳарбий-сиёсий жиҳатларнигина эмас, балки иқтисодий, маданий ҳамкорликни ҳам кўзда тутади. Зеро ушбу жиҳатлар минтақамиз, қолаверса, бутун сайёрамиз — умумий хонадонимиз тинчлиги ва гуллаб-яшнашида муҳим ўрин эгаллайди.

12 январда Қозоғистоннинг Кўкчатов вилоятида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон президентларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда Марказий Осиёда интеграция дастури қандай бажарилаётгани тўғрисида фикрлашиб олинди.

Президент **С. Ниёзов** таклифига биноан 16 январда менинг Туркманистонга амалий ташрифим амалга ошди. Учрашув чоғида 21 та давлатлараро ва ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Бу битимлар транспорт коммуникацияси ва алоқа, табиат ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, энергетика, банклараро ҳисоб-китоблар, бож тартиби, фан ва маданият каби соҳаларни ўз ичига олади.

Асосий ҳужжат — дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида давлатлараро шартнома ҳам имзоланди.

**5 апрель куни Тошкентда ягона иқтисодий макон барпо этиш ҳақидаги шартномани имзолаган мамлакатлар Бош вазирларининг навбатдаги мажлиси бўлди.**

Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Бош вазирлари транспорт ва коммуникация соҳасида келишилган сиёсат ўтказиш, ёқилғи-энергетика ва сув ресурсларидан, шунингдек, газ қувурларидан фойдаланиш, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний тарзда айланишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш, «Центразэлектрон» трансмиллий молия-саноат гуруҳини тузиш, ернинг давлатлараро ижараси ва бошқа масалалар бўйича ўндан ортиқ ҳужжат имзоладилар.

Муҳтарам хонимлар ва жаноблар!

Россия Давлат Думасининг анчагина шов-шувга сабаб бўлган қарор қабул қилгани, Тўртлар (Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Белоруссия) шартномаси ҳамда Иккилар (Россия ва Белоруссия) шартномаси имзоланганига ҳам анча бўлиб қолди.

Матбуотимиз саҳифаларида, телевидениеда бугунги кунга қадар бу ҳужжатларни муҳокама қилиш давом этмоқда. Ўзбекистон аҳолисининг собиқ совет ҳудудидаги «интеграция» деб номланган бу жараёнга муносабати баён қилинмоқда.

Бугун Ўзбекистон раҳбарияти илгари бу жараёнлар ва имзоланган ҳужжатларга нисбатан билдирган муносабатини жамоатчилик ва Ўзбекистон аҳолисининг мутлақ кўп қисми қўллаб-қувватлаяпти, деб айтишга тўла асосимиз бор.

**Мен парламентимиз — Олий Мажлис қўмиталарининг баёнотини, Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотини, Хоразмда сўзлаган нутқимни, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатим ва бошқа воқеаларни ҳам назарда тутяпман.**

Шуниси диққатга сазоворки, ижтимоий аҳволидан қатъи назар, турли миллат ва эътиқодга мансуб кишилар бир хил фикр билдирмоқда.

Бу ерда шуни таъкидламоқчиман: собиқ совет ҳудудида интеграция масалалари бўйича юз бераётган воқеалар, шу муносабат билан имзоланган ҳужжатлар — ҳар бир алоҳида давлат ва унинг раҳбарлик тузилмаларининг ҳуқуқи ва ички ишидир.

Ҳар бир давлат ва унинг раҳбарлари энг аввало ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай ҳужжат ва давлатлараро шартномаларни қабул қилиш ва имзолаш ҳуқуқига эга.

**Бироқ ҳозир масала мана бундай қўйилган: Ўзбекистон учун бу шартнома ва ҳужжатлар мақбулми, Ўзбекистон бу шартномаларга қўшилиши мумкинми ёки йўқми? Бунинг устига, қатъийлик билан бизни ҳамжамият ёки интеграциялашган давлатлар иттифоқи деб аталмиш уюшмаларни тузиш ҳақидаги ҳужжатларни имзолашга таклиф этишмоқда, гоҳида эса — бу нарса Ўзбекистонга фойдалимийўқми эканини биз учун ўзлари ҳал қилишмоқда.**

**Шу муносабат билан мен Ўзбекистон учун бундай иттифоқлар ёки ҳамдўстликлар мутлақо мақбул эмаслигини айтиб ўтишни истар эдим.**

Шартномалар имзолангандан кейинги эҳтирослар ва сархушлик ҳолати бироз пасайган, ниҳоят расмий материаллар ва кўп сонли баёнотлар билан қандайдир даражада танишиш имконияти пайдо бўлган бугунги кунда муаллифлар тилга олинган битимларнинг имзоланишига асос қилиб кўрсатаётган айрим **принципиал ҳолатлар,** яъники зикр этилган шартномалар фалсафаси қурилган пойдевор хусусидаги мулоҳазаларим ҳамда муносабатимни баён қилишни истар эдим.

Тўғри, шу пайтга қадар ҳам Белоруссия билан Россия ўртасидаги шартнома сўнгги таҳрирда қандай аталгани — Россия билан Белоруссия ўртасидаги ҳамдўстлик ҳақидаги шартнома дейилганми, ёки унга имзо чекиш пайтида баландпарвозлик билан баён қилинганидек — суверен республикалар ҳамдўстлиги ҳақидаги шартнома деб, бошқача айтганда — ССР, яъни айрим муаллифларнинг қалбидан чуқур ўрин олган жарангдор СССР деган номга ўхшаш ном билан аталганми — бирон нарса дейиш қийин.

Мен ҳалиям дастлаб бу янги давлатлараро уюшманинг ягона герби, байроғи ва гимни бўлиши, вақти келиб ягона конституция қабул қилиниши ҳақида гап бўлганини айтиб ўтирмайман.

Шу билан бирга, ном — шунчаки ном эканини англаган ҳолда, мен қабул қилинган шартномалар моҳиятига оид принципиал ўринлар — тилга олинган шартномалар фойдасига хизмат қилиши лозим бўлган далил-дастакларга тўхталмоқчи эдим.

**Биринчи далил.** МДҲ бугунги ҳолида талабга жавоб бермайди (лекин кимнинг талабига?), бу мўрт уюшма ҳеч нарсани ҳал қилмайди ҳамда у қабул қилган қарорлар амалда бажарилмаяпти, деб таъкидланди.

Ҳа, бу мулоҳазаларда ҳам жон бор.

(Давоми 2-бетда).

## *Вилоят ҳаёти: воқеалар хабарлар, янгиликлар*

### ТЕРАКЗОРЛАР КЕНГАЙМОҚДА

*Ўртачирчиқ тумани ҳудудидаги Туябўғиз қўрғони ўрмончилари чет эллик ҳамкасблари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишди. Туркияликлар Туябўғизда Дўстлик боғи барпо этишни, хитойликлар эса ўз ватанларида ёнғоқ билан арча дарахти етиштиришни режалаштирдилар.*

Туябўғизликлар шу кунларда ташкилотлар ва аҳолига 35 минг тупдан кўпроқ терак кўчати етказиб беришди. Хўжаликнинг ўзида уч ярим гектар майдонда теракзор барпо этилди.

Терак кўчати етиштиришда боғбонлардан Бахтиёр Ниёзов, Рўзмат Юсупов, Мирсобит Акбаров, Ғулом Собировлар ғайрат-шижоат кўрсатишяпти.

Уч йил аввал икки гектар майдонга экилган Американинг «Калифорния» тераги қоғоз саноати учун муҳим хомашё ҳисобланади. Улар ҳозир йилига тўрт метрдан ўсмоқда.

**Усмонали ҲАМИДОВ.**

### ИЗЛАНГАН ЮТАДИ

*Чиноз шаҳридаги 2-автобаза жамоаси корхона ҳисобига пул маблағи тушириш, ҳайдовчиларни иш билан таъминлаш мақсадида самарали ишларни амалга оширишяпти.*

Улар, шунингдек, техника воситаларининг бекор туриб қолмаслиги учун кўплаб мижозлар ахтариб топишяпти. Мухтор Турғунов, Рихсивой Алимухамедов, Худойберди Усаров, Раим Арслонов каби пешқадам ҳайдовчилар Чиноз қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатида тайёрланган темир бетон мосламаларини шаҳарнинг Чорсу мавзеида қурилаётган соғломлаштириш мажмуига пешма-пеш етказиб бермоқдалар.

Корхонанинг йигирмадан ортиқ КамАЗ ярим прицепли машиналари ҳайдовчилари эса узоқ масофаларга юк ташишмоқда.

**Ҳусан СУЛАЙМОНОВ.**

### КАВАРДОН АҲОЛИСИ УЧУН

*ЮҚОРИЧИРЧИҚ туманидаги Кавардон қишлоғида ҳозирги кунда 300 ўринли клуб, сартарошхона, нон дўкони, пойабзал устахонаси аҳолига хизмат кўрсатмоқда.*

Яқинда обод кўчалар чеккаларида яна бир қатор хусусий дўконлар ҳам қад кўтарди. Қишлоқ фуқаролари С. Пардахўжаев, О. Рўзматов, Ҳ. Тожибоевлар эса хусусий ошхона қуришиб, 3-ўрта мактабнинг собиқ директори марҳум Омон Қурбонов хотираси учун унга «Омон» деб ном беришди. Қишлоқ тадбиркорлари Х. Исматов, Э. Файзибоевлар қурган тегирмон хизматидан ҳам аҳоли миннатдор.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

### УЧ ҚИШЛОҚДА УЧ ГУЗАР

*Байтқўрғон қишлоғи марказида ишга тушган гузар аҳоли оғирини енгил қилди.*

Бу ерда тижорат дўкони, чойхона, енгил автомашиналарга ғилоф тикиш устахонаси ишлаб турипти. Айниқса, иккита тандирда пешма-пеш ёпилаётган иссиқ нон ва сомса истеъмолчиларга манзур бўлмоқда. Гузарнинг ўзида стамотология комплекси ҳам хизмат қила бошлади.

Худди шунга ўхшаш гузар Кўприкбоши маҳалласида ҳам ишга тушди. Шарқона усулда қурилган дўкон, сартарошхона, этикдўзлик устахоналари хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда.

Оққовоқ қишлоғида иш бошлаган гузарда ҳам аҳолининг оғирини енгил қилаётган маиший хизмат шахобчалари мавжуд.

**Абдуҳамид ФОЗИЛОВ, Қибрай тумани.**

## *Мустақилликка содиқмиз!*



ШУ кунларда республикамизнинг қатор вилоятларида халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари бўлиб ўтмоқда. Уларда Россия Федерацияси Давлат думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ва собиқ совет ҳудудидаги интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари Кенгашларининг қўшма қарорлари лойиҳаси тўғрисидаги масала муҳокама этилмоқда.

Ўтган жума куни халқ депутатлари Тошкент вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларининг вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари иштирокидаги шу масалага бағишланган қўшма сессияси бўлиб ўтди.

**Сессия қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз.**

*Илгари маълум қилганимиздек, яқинда халқ депутатлари Тошкент вилояти, шаҳар ва туман Кенгашларининг вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари иштирокидаги қўшма сессияси бўлиб ўтди. Унда «Россия федерацияси Давлат думаси Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги ва собиқ Совет ҳудудидаги интеграцион жараёнлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари кенгашларининг қўшма қарори лойиҳаси тўғрисида»ги масала муҳокама этилди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Ҳалилов мазкур масала юзасидан маъруза қилди.*

*Анжуманда сўзга чиққанлар Беловеж битимларининг Республикамиз учун ҳеч қандай дахли йўқлигини, улар бундан буён ҳам истиқлолимизни мустаҳкамлашга, республикамиз раҳбарияти томонидан белгиланган тараққиёт йўлини давом эттиришга, ҳаммамиз учун муқаддас бўлган мустақиллигимизга ҳамиша содиқ қолажакларини таъкидладилар. Айни пайтда улар Ўзбекистон истиқлол шарофати билан тутқунликдан қутулиб, ҳуррият йўлига тушиб олганини, истиқлол қисқа муддат ичида ўзининг ажойиб самараларини бера бошлаганини, Россиядаги айрим «сиёсатдон»ларнинг собиқ Иттифоқни тиклаш, интеграцияни сунъий равишда жонлантириш ниқоби остидаги ҳатти-ҳаракатлари халқимизни чалғита олмаслигини қайд қилдилар.*

*Мамлакатимизнинг бу борадаги қатъий қарори давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбири саволига жавобларида, Тошкентдаги дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувда сўзлаган нутқида ҳам аниқ ва равшан ифодалаб берилди.*

*Дарҳақиқат, юртбошимиз таъкидлаганларидек, Ўзбекистон меҳнаткашлари энди истиқлолимиздан ҳеч қачон орқага қайтмайдилар. Зеро— Мустақиллигимиз муқаддасдир.*

*Биз сессия давомида айрим депутатлар, фаолларга қўшма сессия кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришни сўраб, мурожаат этдик.*

# МУСТАҚИЛЛИККА СОДИҚМИЗ!





## ИСТИҚЛОЛ БИЗ УЧУН МУҚАДДАС

***Мирзахўжа ҚАЛҚУЛОВ,***
***Юқоричирчиқ тумани ҳокими,***
***вилоят Кенгаши депутати:***



— ТУРМУШ тарзимизда мутлақо янгича мазмун, янгича манзара кашф этган мустақиллигимиз биз учун ҳаётий зарурат эди. Йиллар давомида ота-боболаримиз дилларида, ҳар биримизнинг қалбимизда армон бўлиб ётган орзулар рўёбга чиқди. Ҳурриятга эришдик. Собиқ Иттифоқ найранглари, турли кирдикорлари туфайли кўп хўрликларга дуч келган, орияти топталган халқимизни энди истиқлол йўлидан ҳеч ким қайтара олмайди.

Истиқлол халқпарварлик ғояларига тўла таянган ҳолда соф демократик жараёнларда амалга ошди. Шу боисдан ҳам республикамизнинг ўзига хос тараққиёт йўлида юртбошимиз белгилаб борган беш тамойил қисқа вақт ичида ижобий самаралар берди. Ўтган тўрт ярим йил ичида мамлакатимиз илгари ўн йиллар давомида эришмаган ютуқларни қўлга киритди.

Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи ортди. Бугун Ўзбекистонда ўнлаб хорижий давлатлар ваколатхоналари ишлаб турипти. Байроғимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносининг пештоқида мағрур ҳилпирамоқда. Истиқлол заминимизда иқтисодий алоқаларни кенгайтирди. Чет эл сармоялари учун йўл очилиб, қатор йирик саноат корхоналари, қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Изчил амалга оширилаётган иқтисодийислоҳотлар эса халқимизнинг ташаббускорлик ва ижодий изланиш борасидаги салоҳиятини янада тўла намоён этди. Тадбиркорлик ҳаракатини кучайтирди.

Биргина бизнинг туманимизда ўтган йилнинг ўзида мавжуд кичик корхоналар қаторига яна 81 таси қўшилгач 604 та янги ишчи ўринлари очилди. Фермерлар сони 220 тадан ошиб кетди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, яъни қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантиришдек муҳим вазифани амалга оширишда фаоллигимиз кучайди. Жамоа хўжаликлари, саноат корхоналари янгича мулк шаклига ўтиб ишлай бошладилар. Натижада ҳар йили туманимиз барча тармоқлар — пилла, пахта, ғалла, сабзавот бўйича йиллик режаларни ортиғи билан адо этиб келмоқда.

Биз бу ютуқларни алоҳида эътироф этаётганлигимиз ўзимизни кўрсатиш учун эмас, балки мустақиллик бераётган самараларни яна бир бор ифтихор билан таъкидлаш учундир.

Айни шундай бир пайтда Россия Давлат думаси собиқ Иттифоқни тиклаш йўлидаги уринишларининг ва шу муносабат билан Беловеж битимларини йўққа чиқариб, ўз манфаатини ўйлаб қабул қилган қарорининг бизга ҳеч қандай дахли йўқлигини ҳам қайд қилмоқчиман. Думанинг беъмани, аллақандай «ЕвроОсиёми», федерацииями ёки конфедерациями тузиш тўғрисидаги хом ҳаёл режалари энди халқимиз учун ёт.

Собиқ Империя даврида ўзи газ чиқара туриб газга ёлчимаган, миллион-миллион тонналаб пахта етиштириб, читга зор бўлган, машаққатли меҳнати учун ардоқланиш ўрнига «пахта иши» ниқоби остида марказ таъқиби, таҳқирига, аниқроғи зулмига дучор бўлган халқимиз тарих ғилдираги орқага қайтмаслигини яхши билади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз, вилоятимиз аҳли каби юқоричирчиқликларнинг Дума депутатларига берадиган жавоби битта. Биз Мустақиллигимизга, Президентимиз юргизаётган оқилона сиёсатга содиқмиз ва уни якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз.

## ТАҚДИРИМИЗНИ ЎЗИМИЗ ҲАЛ ҚИЛАМИЗ

***Георгий Сидаков,***
***Янгиободдаги «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Олий Мажлис депутати:***



— Дарҳақиқат, Россия Федерацияси Давлат думасининг Беловеж битимини бекор қилиш тўғрисидаги қарори ўз мустақиллигини қўлга киритиб, жаҳондаги кўплаб мамлакатлар томонидан тан олинган, салкам беш йил ичида саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши борасида ҳамдўстлик мамлакатлари орасида энг юқори кўрсаткичга эришган Ўзбекистон учун ажабланарли бир ҳол бўлди.

Бизнинг республикамиз эришаётган ютуқлар худди кафт устида тургандек ҳаммага маълум. Ўзбекистон ер ости қазилмалари жиҳатдан бой мамлакатлар қаторида туриши, олтини, пахтаси, бошқа қимматбаҳо маҳсулотлари жаҳон бозорида қадр топаётганлиги ҳам кўпчиликка аён.

Ижтимоий соҳада Президентимиз фармонларининг рўёбга чиқарилиши натижасида республика аҳлининг турмуш тарзида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Мен Олий Мажлис депутати сифатида юртбошимизнинг кам таъминланган оилалар, фахрийлар, уруш ногиронлари ва қатнашчиларига, кўп болали оилаларга ва умуман оналик ва болаликни муҳофаза этишга алоҳида эътибор берганлигидан мамнунман. Бу борада Ўзбекистонда халқчил юксак инсонийликни кўзлаган қонунлар қабул қилинди.

Энг муҳими халқимиз Президент сиёсатини, унинг мамлакатни бозор иқтисодиёти шароитида танглиқдан олиб чиқиш борасидаги йўл-йўриқларини астойдил қўллаб-қувватлаб, иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич рўёбга чиқармоқда.

Истиқлолнинг биринчи кунлариданоқ мужассам топган руҳ ҳар бир инсоннинг тўла маънода эркин яшашини таъминлади.

Энди бирлашмамиз хусусида гапириб, шуни айтмоқчиманки, корхоналаримизда бир ёқадан бош чиқариб ишлаётган турли миллат вакиллари эски, ич-ичидан чириган тузумни қайта орзу қилган Россия Давлат думаси депутатларининг Беловеж битимларини бекор қилиш тўғрисидаги қарорини Ўзбекистон учун аҳамияти йўқ эканлигини таъкидладилар. Депутатларнинг бошқа мамлакатлар билан ҳисоблашмай ўзларича бунақа расмий ҳужжат қабул қилишларини калтабинликдан бошқа ҳеч нарса эмас, деб баҳоладилар.

Аслида ҳам шундай. Бугун Ўзбекистон ўз қадрини, жаҳондаги ўрнини ўзлигини пухта билиб олган қудратли, улкан иқтисодий шарт-шароитларга, беқиёс бойликларга эга бўлган мамлакатдир.

Халқимиз келажагига астойдил ишониб, фидокорона меҳнат қилаётган экан, бу унинг ўз мамлакати сиёсатига содиқлигининг ёрқин тимсолидир.

Бизнинг бирлашмамиз меҳнаткашлари ҳам ана шу оқилона сиёсатни бир овоздан қўллаб-қувватламоқдалар, республикамизда олиб борилаётган оқилона сиёсатга меҳнатдаги катта ютуқлари билан жавоб беражакларини билдирмоқдалар.

## ЎЗБЕКИСТОН — МЕНИНГ ВАТАНИМ

***Любовь ШАРИПОВА,***
***Чирчиқдаги «Ғунча» корхонаси бўлим бошлиғи, шаҳар Кенгаши депутати:***

— МЕН Чирчиқ шаҳрида туғилганман. Ота-онам уруш йиллари ана шу шаҳардан паноҳ топишган. Саҳоватли ўзбек халқи уларни ўз бағрига олган. Бу бағрикенглик муҳитида болалигим, ёшлигим ўтди. Турмушга чиқдим. Умр йўлдошим Ўткир Шарипов билан икки фарзандни вояга етказяпман.



Таржимаи ҳолим ҳақида батафсилроқ гапиришимнинг боиси бор. Барча миллатларни бирдек тенг кўриб, уларнинг тили, маданиятини равнақ топтириш ҳуқуқини тўла яратиб берган юртим — Ўзбекистонга меҳрим чексиз. Мен бу ўлка қучоғида униб ўсдим, билим олдим. Оддий ишчиликдан катта бир бўлим бошлиғи даражасига кўтарилдим.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президентимиз алоҳида эътибор берган масалалардан бири республикада меҳнат қилаётган турли миллат вакилларининг дўстлигини янада мустаҳкамлаш бўлди. Миллий Маданий марказлар фаолият кўрсата бошлади. Бу дўстликни биз амалда аниқ ҳис этмоқдамиз ва юртбошимиздан беҳад хурсандмиз.

Истиқлол иқтисодий, маданий ҳаётимизда туб ўзгаришлар ясади. Корхонамизда ҳам мулк шакли ўзгарди. Ҳар бир ишчи бойлик эгаси ўзи эканлигини ҳис этгач, аввалгидан унумлироқ, самаралироқ меҳнат қила бошлади. Энг муҳими ишга, жамоага муносабат ўзгарди. Моддий манфаатдорлик ошди. Маънавиятга ҳам эътибор кучайди.

Мустақиллик йиллари ичида шаҳримиз тамомила янги қиёфага кирди. Энди унинг равон кўчаларини шарқона усулда қурилган хусусий дўконлар, алоҳида тиббий, маиший хизмат кўрсатиш тизимидаги шинам бинолар безаб турипти. Ўтган беш йил ичида шаҳримиз экологиясини яхшилаш йўлида кўп тадбирлар амалга оширилди. Бундан беш-олти йил бурун бунчалик ўзгаришларни тасаввур этиб ҳам бўлмасди. Бирон-бир йирикроқ ишга қўл уриладиган бўлса марказдан ажратиладиган маблағга кўз тикиб ўтирилар эди. Мустақиллик бизни бундай интизорликдан халос этди. Шунинг учун ҳам мен Россия думаси депутатларига ўз йўлини танлаган республикамизнинг ривож топиб боришига, эркин яшашига халақит берманг, дейман.

## МУНОСАБАТИМИЗ АНИҚ

***Марям УМАРҚУЛОВА,***
***Ўртачирчиқ туманидаги 3-ўрта мактаб директори, туман Кенгаши депутати:***

— ЎЗБЕКИСТОННИНГ беш йил ичида ҳамма соҳаларда илгарилаб кетиши Россия Федерациясининг деярли ҳар куни бир-бири билан ёқа олишадиган Давлат думаси депутатларига ёқмай қолган шекилли, мустақиллик йўлини танлаган республикамизни яна ўз гирдобларида кўришни орзу қилиб дилар.

Биз тақдиримизни неча бор аянчли ҳолга солган ўтмишнинг қайтишини мутлақо истамаймиз. Халқимиз орасидан чиққан истеъдодлар бошига турли тухматлар ёғдириб, улар умрларини хазон қилган ўттиз еттинчи йиллар, ёзувчи, шоирларни балоларга мубтало этган эллигинчи йиллар фожиаси, ҳар биримизнинг дилимизни ўртаган Фарғона фожиаси ва бошқа мушкул кунларни «ҳадя» этган собиқ Иттифоқни ким ҳам орзу қиларди, дейсиз.



Халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгаши сессиясида Президентимиз собиқ СССРни тиклаш тўғрисидаги Давлат думаси қарорига ўзларининг очиқ-ойдин муносабатларини билдирдилар. Чиндан ҳам биз мустақилликка Беловеж битимидан анча олдин эришдик ва биз учун Дума ҳужжати ҳеч қандай мавқега эга эмас.

Бешинчи йилдирки, бу санани тинчлик, хотиржамлик, осойишталик барқарор топган республикамизда баҳамжиҳатлик билан, тантанавор нишонлаяпмиз.

Мактаб раҳбари, кўп йиллик тажрибага эга бўлган ўқитувчи сифатида мустақиллик йиллари ичида халқ таълими соҳасида рўй берган ўзгаришлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Бу йиллар мобайнида таълим-тарбия такомиллашди. Ўқитишнинг гимназия, лицей шакллари вужудга келдики, улар болаларга чуқур билим беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Истиқлол йиллари ичида ўқитувчининг мавқеи ошди. Президент фармони билан Халқ таълими ходимларига турар жой қуриш учун ер ажратиб берилиши, коммунал хизмат учун тўловлардаги имтиёзлар ана шундай ҳурмат белгисидир. Биз буларнинг ҳаммасига мустақиллик шарофати туфайли эришдик. Шу боисдан ҳам бор кучимиз, ғайратимиз, малакамиз билан уни мустаҳкамлашга интилаверамиз.

## ХАЙРЛИ КУНЛАРНИ КЎРГАНИМИЗДАН МАМНУНМИЗ

***Фозил КАРИМОВ,***
***Ангрен шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси, шаҳар Кенгаши депутати:***

— КЕЙИНГИ йиллар мобайнида Россия Давлат думаси депутатларининг йиғилишларини телевизор орқали кўриб ўтириб, наҳотки катта бир давлатга халқ ишонч билдириб сайлаган кишилар шундай шармандали ҳолга тушиб қолишди, дея ажабланардим. Залда интизомнинг йўқлиги, бақириқ-чақириқлар, ҳатто ёқалашишлар, ҳақоратлардан хайратга тушардим.



Янги сайланган дума депутатлари бундай хунук қилиқлардан холи бўлишса керак, деб ўйловдим, йўқ, аксинча бўлиб чиқди. Депутатларнинг СССРни қайта тиклаш тўғрисидаги қарорини эшитиб ҳайрон бўлдим. Гоҳо эси борми, бу одамларнинг ўзи, деб юборгинг келади.

Ўз йўлидан ривожланаётган, халқи аҳил, иноқ яшаётган қийинчиликларни биргаликда енгиб, яхши кунлар сари бораётган Ўзбекистон энди ҳеч қачон собиқ Иттифоқни орзу қилмайди. СССРнинг кирдикорларидан «тилда бошқа, дилда бошқа» иш юритишидан хўп тўйганмиз.

Мустақиллик бизга эрк берди. Республикамиз барча соҳаларда кенг қулоч ёзиб, равнақ топиб бормоқда. Айниқса, шундай алғов-далғов замонда юртимизда тинчлик, хотиржамликнинг барқарорлиги ҳаммамизнинг бахтимиздир. Биз уруш ва меҳнат фахрийлари Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин ҳақиқий иззат-ҳурмат нималигини англаб етдик. Беш йил ичида пенсияларимиз саккиз баробар ошди. Меҳнат фахрийларининг оғир йиллардаги меҳнатларини қадрлаб, Президентимиз орден ва медаллар таъсис этиб, ҳаммамизни улуғ айёмларда тақдирлади. Биз кексалар бундай хайрли кунларни кўрганимиздан беҳад мамнунмиз. Ҳурриятни қўлга киритган юртимиз осмонида ҳеч қачон булутлар бўлмасин, тинчлик, хотиржамлик, осойишталик барқарор бўлаверсин.

## ТАРИХ ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

***Виталий КИРГАСОЛОВ,***
***Олмалиқ кон металлургия комбинати электр монтёри, шаҳар Кенгаши депутати:***



— ЭЛЛИК етти йилдирки, Ўзбекистонда яшайман. Шу ўтган давр ичида ўзбек халқининг ниҳоятда меҳр-шафқатли, меҳмондўст халқ эканлигига тўла ишонч ҳосил қилдим. Корхонамизда бўлсин, маҳалламизда бўлсин бирон бир миллатнинг иккинчи бир миллат томонидан камситилганлигини кўрмадим. Бир оила фарзандларидек яшаймиз, меҳнат қиламиз.

Лекин бир нарсага ҳайрон қоламан. Нега энди айрим сиёсатдонлар ва Россия Давлат думасидагилар собиқ СССРни ва бошқа «иттифоқ»ларни орзу қилиб қолишди экан. Ёки ўзларидан олдинги ўтган ҳукумат раҳбарларининг тўраларча иш юритиб, бошқаларни ялинтириб, фаолият юргизишларини булар ҳам қўмсаб қолишдими? Йўқ. У кунлар қайтмайди.

Корхонамиз ишчи-хизматчилари ушбу масалалар юзасидан Президентимиз айтган фикрларга тўла қўшилмоқдалар. Юртбошимиз куни кеча дипломатия корпуси ва журналистлар билан учрашувдаги сўзлаган нутқларида бу масалани лўнда қилиб шундай изоҳладилар: «Ҳар бир давлат ва унинг раҳбарлари энг аввало ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай ҳужжат ва давлатлараро шартномаларни қабул қилиш ва имзолаш ҳуқуқига эга.

Бироқ ҳозир масала мана бундай қўйилган: Ўзбекистон учун бу шартнома ва ҳужжатлар мақбулми, Ўзбекистон бу шартномаларга қўшилиши мумкинми ёки йўқми? Бунинг устига, қатъийлик билан бизни ҳамжамият ёки интеграциялашган давлатлар иттифоқи деб аталмиш уюшмаларни тузиш ҳақидаги ҳужжатларни имзолашга таклиф этишмоқда, гоҳида эса — бу нарса Ўзбекистонга фойдалими-йўқми эканини биз учун ўзлари ҳал қилишмоқда.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон учун бундай иттифоқлар ёки ҳамдўстликлар мутлақо мақбул эмаслигини айтиб ўтишни истар эдим».

Ўзбекистон фуқароси сифатида айтаманки, мен республикамиз Президентининг сиёсатига содиқман. Унинг танлаган йўли менинг ҳам, мустақиллик меваларидан баҳраманд бўлган миллион-миллион меҳнаткашларнинг ҳам ойдин йўлимиздир.

## БИР ЖОН-У БИР ТАНМИЗ

***Руслан ЛИ,***
***Қуйичирчиқ туманидаги 13-мактаб директори, туман Кенгаши депутати:***



— ПРЕЗИДЕНТЛИК сайлови олдидан турли ўйинларни бошлаб юборган Россия Федерацияси Давлат думасининг Собиқ Иттифоқни бекор қилиш билан боғлиқ Беловеж битимларини йўққа чиқариш тўғрисида қабул қилган қарорини мен миллион-миллион кишилар устидан ўзбошимчалик ва масъулиятсизлик билан чиқарилган хукм деб тушунаман. Ростдан ҳам бу масхарабозликнинг ўзи-ку.

Дума депутатлари одамлар ҳиссиёти билан ўйнашишни ҳамон бас қилмаяптилар. Ваҳолангки, поезд аллақачоноқ жойидан қўзғалиб, йиллар давомида мустақилликни орзу қилиб келган бир қатор республикалар ўз мақсадларига эришдилар.

Хусусан, Ўзбекистон бу борада ўзига хос йўлни танлади. Ҳаёт эса бу йўлнинг нақадар тўғрилигини ва халқимиз манфаатига тамомила мослигини беш йил ичида равшан кўрсатди.

Собиқ Иттифоқни қайта тиклаш тўғрисидаги васвасаларга энди ўрин йўқ. Бир куни телевизорни бурасам СССР пайтида Олий Советнинг сардорларидан бири бўлган А. Лукьянов зўр бериб, «Биз илгариги Иттифоқни эмас, мутлақо янги СССРни тузамиз», деб гапираётган экан. Етмиш йил ичида фақат буйруқбозлик билан иш юргизган, бюрократимизни ўз байроғи қилиб олган, бошқа республикалар ҳақ-ҳуқуқига лоқайдлик билан муносабатда бўлган бу инсоннинг энди адолатли тузум ўрнатиш ҳақидаги гаплари қумга сепилган сув каби туюлди менга.

Республикамиз мустақиллиги биз учун азиз. Унга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Президентимизнинг оқилона сиёсати, Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари туфайли истиқлолимиз катта имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Эндиликда, тинч, осойишта мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлида ҳаммамиз бир жон, бир танмиз.

## ҲАМҚИШЛОҚЛАРИМ НОМИДАН ГАПИРАМАН

***Ҳошимжон СОДИҚОВ,***
***Оҳангарон туманидаги Телов қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, туман Кенгаши депутати:***

— Қишлоғимизда маҳаллалар кўп. Уларда тез-тез бўлиб тураман. Яқинда ҳам ҳудудимизни айланиб чиқдим. Кексалар, ёшлар билан суҳбатлар чоғида шу нарса аён бўлдики, тумандаги барча кишилар каби теловликлар ҳам республикамизда мустақиллик туфайли эришилган ютуқлардан бениҳоя хурсандлар. Юртимизда олиб борилаётган сиёсатни, якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.



Хусусан, ўзим бундай кунга етганимдан бошим осмонда.

Эркин яшашдан ҳам ортиқроқ бахт бўлмаса керак. Беш йилдирки, республикамизнинг ўз эрки ўзида. Вақтинчалик қийинчиликларни енгиб, истиқлолимизни мустаҳкамлаб бормоқдамиз.

Одамлар билан учрашувлар пайтида мамлакатимиз сўнгги йилларда эришган ютуқлар ҳақида фахрланиб гапириб бераман. Бундай муваффақиятлар кам эмас. Хусусан, Андижонда, Хоразм вилоятида машинасозлик бўйича корхоналар ишга тушди. Тошкент вилоятида қанчадан-қанча қўшма корхоналар, кичик корхоналар фойдаланишга топширилди. Вилоятимиз қиёфаси гўзаллашиб бораётгани, қишлоқларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш борасида республикамиз ҳукумати белгилаган дастур изчил амалга оширилаётгани ҳақида сўзлайман. Бизнинг қишлоғимизда ҳам бу масалалар ижобий ҳал этилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий муҳофазалаш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг ташкил этилиши неча минглаб кишилар турмуш тарзини яхшилаш, саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Албатта, ҳар биримиз бундай ютуқлар, қулайликлар мустақиллик шарофати билан яратилганлигини чуқур тушунишимиз, унинг қадрига етишимиз керак.

Шуни қатъий ишонч билан таъкидлашни истардимки, қишлоғимиз аҳли Президентимизнинг Россия Давлат думасининг қарори юзасидан Хоразм вилояти кенгаши сессиясида ҳамда ЎзА мухбирининг саволларига берган жавобларидаги фикрларини тўлиқ қўллаб-қувватламоқдалар. Энди ўзбек халқининг, мўътадил Ўзбекистоннинг устидан ҳукм чиқаришнинг даври ўтди. Буни улар йиғилишларда ҳам, ўзаро мулоқотларда ҳам қатъий туриб айтмоқдалар. Бори ҳам шу. Бизнинг бировдан кам жойимиз йўқ. Ҳамма имкониятларга эга бўлган, 23 миллионлик аҳоли тинч-тотув яшаётган Ўзбекистоннинг истиқлоли биз учун муқаддасдир.

**САҲИФАНИ «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАХСУС МУХБИРЛАРИ ФАТҲИДДИН МУҲИДДИНОВ, САИДВАЛИ ҲАСАНОВ ВА ДАВРОН АҲМАД (суратлар) ТАЙЁРЛАШДИ.**

